
	<p align="center"><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖ ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича ЙЎРИҚНОМА</b></p>	<p>№ таҳрир: _____ сана: 2023й. _____ _____дан _____варағи</p>
---	--	--

“Тасдиқланман”  
“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг  
Бош директори  
  
А.Григорьянц  
2023й. “ ” \_\_\_\_\_

**“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг ҳудудий  
ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган  
номзодларни текшириш бўйича  
ЙЎРИҚНОМА**

№ \_\_\_\_\_

Ишлаб чиқилган:  
Хавфсизликни таъминлаш  
бўйича мутахассис

Р.Мустаев

2023й. “ ” \_\_\_\_\_

№ \_\_\_\_\_


Бошқариладиган мисол

(нуска №) \_\_\_\_\_ (ўзгариши мумкин)

\_\_\_\_\_ (маъсул ходимнинг асл имзоси)


*Маълумот нусхаси*

(фақат маълумот учун)

	<p align="center"><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖ ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича ЙЎРИҚНОМА</b></p>	<p>№ таҳрир: _____ сана: 2023й. _____ _____дан _____варағи</p>
---	--	--

**М У Н Д А Р И Ж А:**

1. Умумий қоидалар
2. Асосий тушунчалар
3. Ишга қабул қилинаётган номзодларни текширишга қўйилган умумий талаблар ва уларнинг муддатлари
4. Текшириш учун ҳужжатлар ва маълумотларни олиш
5. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш учун ахборот манбалари
6. Ишга жойлашаётган номзодларни текширувини ўтказиш йўналишлари
7. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш натижалари
8. Текширувни ҳужжатлаштириш ва ҳужжатларни сақлаш муддатлари
9. Яқуний қоида
10. Иловалар

	<p align="center"><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖ ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича ЙЎРИҚНОМА</b></p>	<p>№ таҳрир: _____ сана: 2023й. _____ _____дан _____варағи</p>
---	--	--

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқнома (кейинги ўринларда – Йўриқнома) “Ўзбекэкспертиза” АЖнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига (кейинги ўринларда – Жамият) ишга қабул қилишда номзодлар текширувини ўтказишнинг тамойиллари, талаблари, тартиби ва муддатларини белгиловчи ички ҳужжат ҳисобланади.

2. Ушбу Йўриқноманинг мақсадлари қуйидагилардир:

номзод томонидан тақдим этилган ўзи, унинг профессионал фаолияти, бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан қариндошлик ва тижорат алоқалари ҳақидаги маълумотларни текшириш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳалол, сифатли, пухта, ҳолис амалга оширишга қодир жисмоний шахслар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштиришга эришилишини таъминлаш;

Жамиятда лавозим мажбуриятларини бажариш учун етарли билим ва тажрибага эга бўлмаган, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шунингдек уларни ишга олиш Жамият учун обрў, коррупцияга оид ёки бошқа хатарларга олиб келувчи номзодлар билан меҳнат муносабатларига киришиш хатарини минималлаштириш;


раҳбарлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларга билимли, ҳалол, виждонли, қонунга итоаткор ходимларни танлаб олиш.

3. Ушбу йўриқнома ишга қабул қилишда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари билан алоҳида тартиб белгиланган лавозимларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

### 2-боб. Асосий тушунчалар

4. Ушбу Йўриқнома мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**коррупциявий ҳаракатлар** – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

	<p align="center"><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖ ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича ЙЎРИҚНОМА</b></p>	<p>№ таҳрир: _____ сана: 2023й. _____ _____дан _____варағи</p>
---	--	--

**манфаатлар тўқнашуви** – Жамият ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**номзод** – Жамиятнинг бўш иш ўрни талабларига жавоб берувчи, вакант иш жойига танлаб олинган жисмоний шахс.

**ноқонуний фойда** – ваъда қилинадиган, таклиф этиладиган, тақдим этиладиган ёки қонуний асосиз олинадиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк, ёки мулкрий ҳуқуқлар, афзалликлар, имтиёзлар, хизматлар, номоддий активлар, бошқа ҳар қандай моддий ёки номоддий фойда;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкрий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);


**яқин қариндошлар** – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари.

### **3-боб. Ишга қабул қилинаётган номзодларни текширишга қўйилган умумий талаблар ва уларнинг муддатлари**

5. Ходимлар билан ишлаш бўлими ва Коррупцияга қарши ички назорат гуруҳи(тузилма)лари номзодларни текшириш учун масъул ҳисобланади.

6. Текширув барча доимий ва муддатли лавозимларга номзодлар қабул қилинган номзодларга нисбатан амалга оширилади.

7. Ходимларни танлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (ДХРА) томонидан амалга оширган тақдирда, меҳнат шартномаси тузилмасидан олдин амалга оширилади.

	<p><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖ ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича ЙЎРИҚНОМА</b></p>	<p>№ таҳрир: _____ сана: 2023й. _____ _____дан _____ варағи</p>
---	---	---

8. Агар номзодларни танлаб олиш ДХРА иштирокисиз амалга оширилса, у ҳолда ишга қабул қилинаётган номзод Жамият ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссияси суҳбатидан муваффақиятли ўтгач, бироқ меҳнат шартномаси тузилмасдан аввал текширилади.

9. Номзодни текшириш 5 (беш) иш кунигача бўлган муддатда амалга оширилади.

10. Номзодни белгиланган муддатларда текшириш ҳолис сабабларга кўра имконсиз бўлса, унинг давомийлиги 5 (беш) иш кунигача бўлган муддатга чўзилиши мумкин.

#### **4-боб. Текшириш учун ҳужжатлар ва маълумотларни олиш**

11. Номзодни текширишни амалга оширадиган Коррупцияга қарши ички назорат гуруҳи раҳбари ва Ходимлар билан ишлаш бўлимига текширувни ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 124-моддасига мувофиқ ишга қабул қилинаётганда талаб этиладиган ҳужжатлар нусхалари;

номзод томонидан Жамиятдаги манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички идоравий ҳужжатга мувофиқ шаклда тўлдирилган ва имзоланган декларация нусхаси.

12. Маълумотнома олинаётганда тўлдирилмаган бандлар мавжуд бўлса, Ижрочи номзоддан етмаётган маълумотларни сўраб олиши мумкин.


13. Ижрочи номзоддан тақдим этилган ҳужжатлар бўйича тушунтириш ва қўшимчаларни сўраб олишга ҳақли.

14. Номзоднинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексда кўзда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортиши унинг ишга жойлашишини рад этиш учун сабаб бўлмайди.

#### **5-боб. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш учун ахборот манбалари**

16. Ишга жойлашаётган номзодни текшириш доирасида номзоддан олинган маълумотлар, шунингдек очик манбалардан ёки расмий сўровлар юбориш орқали олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва ишлаш амалга оширилади.

17. Маълумотларни йиғиш ишга жойлашаётган номзод ҳақидаги умумий ва ҳолис фикрни шакллантириш, номзоддан олинган маълумотлар ишончлилигини баҳолаш, шунингдек ўзи ҳақидаги маълумотларни яшириш ёки сохталаштириш

	<p><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖ ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича ЙЎРИҚНОМА</b></p>	<p>№ таҳрир: _____ сана: 2023й. _____ _____дан _____варағи</p>
---	---	--

аломатлари йўқлигини таҳлил қилиш учун барча очик ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

**18.** Ишга жойлашаётган номзодни текшириш учун ахборот манбалари қонунийлик ва ҳолислик талабларига жавоб бериши лозим. Ижрочи бошқа давлат органлари ва ташкилотларига, номзоднинг аввалги иш жойлари, ўқув муассасалари ва ҳ.к ларга тақдим этилган маълумотларни текшириш учун телефон орқали суриштириш ёки расмий сўров юбориш мумкин.

**19.** Ижрочи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига сўров юбориш орқали номзоднинг судланганлиги, фирибгарлик, коррупция ва зўравонлик билан боғлиқ ишларга алоқадорлигини текшириши мумкин.

**20.** Номзод ҳақидаги маълумотларни текшириш учун қуйидаги очик ахборот манбаларидан фойдаланиш мумкин:

Давлат хизматлари агентлигининг юридик шахслар ва якка тадбиркорлар маълумотларини текшириш бўйича платформаси - [https://fo.birdarcha.uz/s/ru\\_landing](https://fo.birdarcha.uz/s/ru_landing)

Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат реестри (КТЯДР) - <https://stat.uz/ru/uslugi-1/svedeniya-iz-egrpo>

Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлари портали - <https://data.gov.uz/ru>

Ахборот кидирув тизимлари (масалан, Google, Яндекс ва ҳ.к.) ва ҳ.к.

Ушбу рўйхат зарур бўлганда ўзгартирилиши ва кенгайтирилиши мумкин бўлган манбаларнинг тахминий рўйхатини ифодалайди.

#### **6-боб. Ишга жойлашаётган номзодларни текширувини ўтказиш йўналишлари**

**21.** Номзодларни текшириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилади:


номзодда тугатилмаган судланганлик ҳолати ва (ёки) иқтисодий, жумладан коррупциявий характердаги қонунбузарликлар муносабати билан уни маъмурий, жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортиш фактлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги;

суд органлари томонидан қўйилган раҳбарлик лавозимларини эгаллашга тақик йўқлиги – раҳбарлик лавозимига номзод учун;

номзод ёки унинг яқин қариндошлари тўғрисида уларнинг коррупциявий, фирибгарлик ёки бошқа қонунга хилоф фаолиятига доир маълумотлар йўқлиги;

аввалги иш жойларидан салбий тавсияномалар йўқлиги;

номзодда манфаатлар тўқнашуви аломатлари йўқлиги;

	<p><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖ ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича ЙЎРИҚНОМА</b></p>	<p>№ таҳрир: _____ сана: 2023й. _____ _____дан _____варағи</p>
---	---	--

номзодга нисбатан бошқа хатар индикаторлари йўқлиги (жумладан, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида намоиш этилган ҳаёт тарзи расмий иш ҳақиға мос келмайди ва бошқалар).

22. Қайд этилган йўналишлар бўйича текширув ўтказилади.

#### **7-боб. Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш натижалари**

23. Номзодни текширувини ўтказиш натижалари бўйича Ўжрочи томонидан Номзод текширилгани тўғрисидаги ҳисобот тузилиб (ушбу Йўриқномани 1-илова шакли бўйича), мазкур ҳисобот Ходимлар билан ишлаш бўлимида сақланади. Ўтказилган текширув ва унинг натижаларига оид маълумотлар Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестри (ушбу Йўриқномага 2-илова)га киритилади.


24. Текширув натижалари тўғрисидаги ҳисоботнинг 3 бўлимидаги 3.1, 3.2, 3.3 ёки 3.4 бандлари саволларига битта ва ундан кўп хавф индикаторлари мавжуд бўлган тақдирда (“Ҳа” жавоблари) ишга жойлашаётган номзодни текшириш натижалари бўйича салбий ҳулоса киритилади.

3.5 ёки 3.6 бандларидаги саволлардан бирига биттасига бўлса ҳам бир ва ундан ортиқ хавф индикаторлари (“Ҳа” жавоблари) мавжуд бўлган тақдирда, текширув ўтказиётган шахс вазиятни коррупциявий хавф-хатарлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича баҳолайди.

25. Коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд бўлган тақдирда текширув ўтказиётган шахс уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни тақлиф қилади ёки бундай хатарлар даражасини пасайтириш имкони бўлмаган тақдирда номзодни текшириш натижалари бўйича салбий ҳулоса беради.

26. Номзодга Салбий ҳулоса берилган тақдирда, ҳудудий ва таркибий бўлинмаларга ишга қабул қилиш Жамият раҳбари қарорига кўра, номзод ишга олинаётган тузилмавий бўлинма раҳбари томонидан тузилган хизмат маълумотномаси асосида амалга оширилади.

27. Текширув натижалари бўйича коррупциявий хатарлар аниқланган ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирлар тақлиф этилган номзод ишга олинган тақдирда ходимнинг тузилмавий бўлинма бошлиғи тавсия этилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини назорат қилиш учун жавобгар ҳисобланади.

	<p align="center"><b>“Ўзбекэкспертиза” АЖ ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича ЙЎРИҚНОМА</b></p>	<p>№ таҳрир: _____ сана: 2023й. _____ _____дан _____ варағи</p>
---	--	---

### **8 боб. Текширувни ҳужжатлаштириш ва ҳужжатларни сақлаш муддатлари**

**28.** Ишга жойлашаётган номзодни текшириш натижалари (жумладан, текширув натижалари тўғрисидаги ҳисобот ва бошқа ҳамроҳ ҳужжатлар) конфиденциал маълумотлар ҳисобланганлигини инобатга олган ҳолда, ишга жойлашаётган номзодни танлаб олиш ва текшириш жараёнида иштирок этмаган Жамият ходимларига ва бошқа учинчи шахсларга ошкор этилмайди.

**29.** Ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестри (ушбу Йўриқномага 1-илова)дан фақатгина Ижрочилар фойдаланиши мумкин.

**30.** Лавозим мажбуриятларини амалга ошириш учун бундай маълумотлардан фойдаланиши зарур бўлган бошқа ходимлар коррупцияга қарши кураш фаолиятини назорат қилувчи раҳбар ўринбосарининг ёзма розилигини олиши лозим.

**31.** Номзод ишга жойлаштирилган тақдирда Текширув ўтказилгани ҳақидаги ҳисоботнинг асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддат ва тартибда ходимнинг шахсий йиғма жилдида сақланиши шарт.

**32.** Текширув ўтказилгани тўғрисидаги ҳисобот нусхаси, шунингдек ҳисоботдаги маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва маълумотлар (масалан, скриншотлар, кўчирма, ваколатли муассасаларга юборилган сўровлар ва уларга олинган жавоблар ва ҳ.к) Ходимлар билан ишлаш бўлими томонидан камида 10 (ўн) йил давомида сақланиши шарт.

**33.** Жамиятга ишга жойлаша ололмаган номзодларни текшириш натижалари уч йил давомида сақланади.

### **9-боб. Яқуний қоидалар**

**34.** Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарган тақдирда ёки номзодларни текшириш жараёнини такомиллаштириш зарурати туғилганда қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилиши лозим.

**35.** Ушбу Йўриқнома қоидаларини бузишда айбдор ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамият ички ҳужжатларида кўзда тутилган тартиб ва асосда интизомий ва бошқа жавобгарликка тортилиши мумкин.





**“Ўзбекэкспертиза” акциядорлик  
жамиятининг ҳудудий ва таркибий  
бўлинмаларида контрагентларни  
текширишга оид  
ЙЎРИҚНОМА**

№ СТТ-

таҳрир: \_\_\_\_\_

Сана: 2021й. \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_дан \_\_\_\_\_варағи

“Ўзбекэкспертиза” АЖнинг ҳудудий  
ва таркибий бўлинмаларига ишга  
қабул қилинаётган номзодларни  
текшириш буйича йўриқномага  
1-илова

### Номзод текширилгани тўғрисидаги ҳисобот

<b>1.</b>	<b>Асосий маълумотлар</b>	
1.1	Номзоднинг ФИШ	
1.2	Туғилган санаси	
1.3	Бўш лавозим номи	
1.4	Бўлинма	
1.5	Боғланиш учун телефон	
1.6	Эл.почта манзили	
<b>2.</b>	<b>Иш тажрибаси</b>	
2.1	Аввалги иш жойлари (тескари хронологик тартибда), лавозимлари	
2.2	Аввалги иш жойларидан салбий фикрлар мавжудлиги	<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ Изоҳ (лар): Манба(лар):
<b>3.</b>	<b>Текширув натижалари</b>	
3.1	Ушбу Йўриқноманинг 11-бандида кўзда тутилган ҳужжатларнинг тўлиқ пакети олиними? («Йўқ» жавоби фақатгина Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ ишга қабул қилиш вақтида талаб этилган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда берилиши мумкин)	<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ Етишмаётган ҳужжат(лар): Уларнинг йўқлиги сабаби(лари):
3.2	Номзоддан олинган, жумладан маълумотномада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилик аломатлари ва у томонидан ўзи ҳақидаги айрим маълумотларни яшириш ёки сохталаштириш аломатлари йўқлиги	<input type="checkbox"/> Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ Изоҳ(лар): Манба(лар):



**“Ўзбекэкспертиза” акциядорлик  
жамиятининг худудий ва таркибий  
булинмаларида контрагентларни  
текширишга оид  
ЙЎРИҚНОМА**


№ СТТ-

тахрир: \_\_\_\_\_

Сана: 2021й. \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ варағи

3.3	Номзодда тугатилмаган судланиш жараёни ва (ёки) иктисодий, жумладан коррупциявий характердаги конунбузарликлар муносабати билан уни маъмурий, жиноий ёки интизомий жавобгарликка тортиш фактлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар йўқлиги	<table border="1"> <tr> <td><input type="checkbox"/></td> <td>Ҳа</td> <td><input type="checkbox"/></td> <td>Йўқ</td> </tr> </table> <p>(агар жавоб ижобий бўлса, асосини кўрсатинг)</p> <p>Изоҳ(лар):</p> <p>Манба(лар):</p>	<input type="checkbox"/>	Ҳа	<input type="checkbox"/>	Йўқ
<input type="checkbox"/>	Ҳа	<input type="checkbox"/>	Йўқ			
3.4	Суд органлари томонидан қўйилган раҳбарлик лавозимларини эгаллашга тақиб йўқлиги (раҳбарлик лавозимига номзод учун)	<table border="1"> <tr> <td><input type="checkbox"/></td> <td>Ҳа</td> <td><input type="checkbox"/></td> <td>Йўқ</td> </tr> </table> <p>Изоҳ(лар):</p> <p>Манба(лар):</p>	<input type="checkbox"/>	Ҳа	<input type="checkbox"/>	Йўқ
<input type="checkbox"/>	Ҳа	<input type="checkbox"/>	Йўқ			
3.5	Номзодда манфаатлар тўқнашуви аломатлари мавжудлиги:	<table border="1"> <tr> <td><input type="checkbox"/></td> <td>Ҳа</td> <td><input type="checkbox"/></td> <td>Йўқ</td> </tr> </table>	<input type="checkbox"/>	Ҳа	<input type="checkbox"/>	Йўқ
<input type="checkbox"/>	Ҳа	<input type="checkbox"/>	Йўқ			
	1) номзоднинг яқин қариндошлари Ташкилотнинг амалдаги ходими ҳисоблангани	<table border="1"> <tr> <td><input type="checkbox"/></td> <td>Ҳа</td> <td><input type="checkbox"/></td> <td>Йўқ</td> </tr> </table> <p>(агар жавоб ижобий бўлса: иш жойи, лавозими, асосий мажбуриятларини кўрсатинг)</p> <p>Изоҳ(лар):</p> <p>Манба(лар):</p>	<input type="checkbox"/>	Ҳа	<input type="checkbox"/>	Йўқ
<input type="checkbox"/>	Ҳа	<input type="checkbox"/>	Йўқ			
	2) Номзод ёки унинг яқин қариндошлари раҳбарлик лавозими ёки қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ лавозимни эгаллаб турган бўлса ёки потенциал равишда Ташкилот контрагентлари бўлиши мумкин бўлган компаниялар бошқарув органлари таркибига кирса	<table border="1"> <tr> <td><input type="checkbox"/></td> <td>Ҳа</td> <td><input type="checkbox"/></td> <td>Йўқ</td> </tr> </table> <p>(агар жавоб ижобий бўлса: ФИШ ва қариндошлик даражаси (агар манфаатлар тўқнашуви Номзоднинг қариндошлари билан боғлиқ бўлса), компания номи, лавозими)</p> <p>Изоҳ(лар):</p> <p>Манба(лар):</p>	<input type="checkbox"/>	Ҳа	<input type="checkbox"/>	Йўқ
<input type="checkbox"/>	Ҳа	<input type="checkbox"/>	Йўқ			
	3) Номзод ёки унинг яқин қариндошлари ҳар қандай ташкилотнинг оммавий муомалада бўлмаган акциялари ёки устав капиталидаги улуши ёхуд Республика фонд биржаси ёки бошқа фонд биржасида оммавий муомалада бўлган қимматбаҳо қоғозларнинг 5% ва ундан ортиғига эгаллик қилса ёки компаниялар фаолияти натижаларида шахсий манфаатдорлиги бўлса (жумладан, инвестициялар киритиш орқали)	<table border="1"> <tr> <td><input type="checkbox"/></td> <td>Ҳа</td> <td><input type="checkbox"/></td> <td>Йўқ</td> </tr> </table> <p>(агар жавоб ижобий бўлса: ФИШ ва қариндошлик даражаси (агар манфаатлар тўқнашуви Номзоднинг қариндошлари билан боғлиқ бўлса), компания номи, лавозими)</p> <p>Изоҳ(лар):</p> <p>Манба(лар):</p>	<input type="checkbox"/>	Ҳа	<input type="checkbox"/>	Йўқ
<input type="checkbox"/>	Ҳа	<input type="checkbox"/>	Йўқ			
	4) Бошқа аломатлар	<table border="1"> <tr> <td><input type="checkbox"/></td> <td>Ҳа</td> <td><input type="checkbox"/></td> <td>Йўқ</td> </tr> </table> <p>Изоҳ(лар):</p> <p>Манба(лар):</p>	<input type="checkbox"/>	Ҳа	<input type="checkbox"/>	Йўқ
<input type="checkbox"/>	Ҳа	<input type="checkbox"/>	Йўқ			

	<b>“Ўзбекэкспертиза” акциядорлик жамиятининг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид ЙЎРИҚНОМА</b>	<b>№ СТТ- тахрир:</b> _____ <b>Сана: 2021й.</b> _____ _____дан _____варағи
--	---	--

3.6	Иш жойига номзод ёки унинг яқин қариндошларининг коррупциявий, фирибгарлик ёки бошқа қонунга ҳилоф фаолиятига доир маълумотлар йўқлиги	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ	Изоҳ(лар): Манба(лар):
3.7	Номзодга нисбатан бошқа хатар индикаторлари йўқлиги (жумладан, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида намойиш этилган ҳаёт тарзи расмий иш ҳақиға мос келмайди ва бошқалар).	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ	Изоҳ(лар): Манба(лар):
3.8	Бошқа маълумотлар (жумладан, интервью натижалари)	<input type="checkbox"/> Ҳа	<input type="checkbox"/> Йўқ	Изоҳ(лар): Манба(лар):
4	<b>Коррупциявий хавф-хатарлар таҳлили (3.5 ҳамда 3.6 бандларига ёки ушбу бандларнинг биттасига жавоб ижобий бўлса) ва уларни минималлаштириш чоралари бўйича тавсиялар</b>			
5	<b>Хулоса</b>			
		Ҳа / Йўқ		Изоҳлар
	3.1, 3.2, 3.3 ва 3.4 бандларида кўрсатилган хатар индикаторлари мавжудлиги			Қайд этилган тоифадаги ақалли битта хатар мавжуд бўлган тақдирда хулоса салбий берилади
	3.5, 3.6, 3.7 ва/ ёки 3.8 бандларида хатар индикаторлари мавжудлиги			Юқори коррупциявий хавф-хатарлар ва уларни камайтириш бўйича чоралар куриш имконсиз бўлган тақдирда хулоса салбий берилади
<b>ЯКУНИЙ НАТИЖА</b>		(салбий хулоса /ижобий хулоса)		
<b>ТАВСИЯЛАР</b> (аниқланган хатарларни ҳисобга олган ҳолда)				

Ижрочи

(ФИШ)

(имзо)

(сана)

20\_\_й.

[Введите текст]



“Ўзбекэкспертиза” акциядорлик  
жамиятининг худудий ва таркибий  
бўлинмаларида контрагентларни  
текширишга оид  
ЙУРИҚНОМА

№ СТТ-

тахрир: \_\_\_\_\_

Сана: 2021й. \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_дан \_\_\_\_\_варағи

## К Е Л И Ш У В В А Р А Қ А С И

*Келишилган:*

Бош директор ўринбосари

А. Тохтахунов

Ходимлар билан ишлаш бўлими

Г.Алиева

КМСП Бошқармаси бошлиғи

Ш. Усмонова

Назорат-услубий бўлими

Л.Алдошина

Юридик хизмат

Ж.Неъматов